5. Иншоот остида тушама бўлганда грунтнинг пассив босими, остида, юқорида жойлашган барча грунтларни ҳисобга олиш ҳолда фақат иншоотнинг тағлигидаги пастдаги аниқланиши керак.

3.8. Агар ҳисобий сурувчи куч F тағлик текислигига $e_f \geq 0,05/\text{м}$ эксцен-
триситет билан қуйилган бўлса иншоот-
нинг турғунлигини ҳисоблаш планда бу-
риб, ясси силжиш схемаси бўйича аниқла-
ошириш керак (I ва II иншоотнинг туғри бурчакли тағлик томонлари ўлчамлари). Эксцентриситет e_f ва буриб ясси сил-
жишдаги силжишга чегаравий қаршилик

кучи $R_{\text{н}}$, тавсия этилаётган 6-иловада келтирилган курсатма бўйича аниқланади.

3.9. Аралаш силжиш схемаси бўйича иншоотларнинг турғунлигини ҳисоблаш, агар 3.5-бандда келтирилган шартта роя қилинмаса, барча ҳолларда бир жинсли заминларга қуриладиган иншоотлар учун амалга оширилиши керак. Бунда сурилшга заминнинг қаршилигини яси сурилш ва ғовакти сурилш участкаларидаги қаршилиқлар йиғиндисига тенг қилиб олинади (1-расм). Илгариланма силжиш шаклида аралаш силжиш схемаси бўйича иншоотларнинг турғунлигини ҳисоблашда чегаравий қаршилиқ кучи $R_{\text{сгм}}$ қунидаги формула бўйича аниқланади:

$$R_{\text{сгм}} = (\sigma_{\text{сгм}} \cdot \text{tg} \varphi + c) \cdot b_1 l + \tau_{\text{сгм}} \cdot b_2 l, \quad (13)$$

бунда, $\sigma_{\text{сгм}}$ —(5) формуладаги каби:


$\text{tg} \varphi, c$

b_1, b_2 —устида ғовакти силжиш ва яси силжиш содир буладиган иншоот тағлиги участкасининг энининг ҳисобий қийматлари;

$\tau_{\text{сгм}}$ —ғовакти силжиш участкасидаги чегаравий уринма кучланиш; тавсия этилаётган 7-илова курсатмасига мувофиқ аниқланади.

l —сурилш кучга перпендикуляр бўлган иншоотнинг турт бурчақли тағлиқ томонларининг ўлчамлари.

b_1 нинг қиймати $\sigma_{\text{сгм}}$ га (пастки томондаги) боғлиқ равишда 2-чизма бўйича аниқланиши керак. Пастки бьеф томонга



1-расм. Аралаш силжишда заминнинг кўтарувчи қурултиши ва иншоотнинг турғунлигини ҳисоблашга схема


а) силжиш участкаси, б) ғовакти силжиш участкаси, в) сурилш участкаси

нормал куч P нинг эксцентриситети e_p бўлганда (13) формуладаги b, b_1 ва b_2 лар урнига b, h ва h_2 қабул қилиниши керак

(бунда, $b = b - 2e_p$, а $h = h_2 \frac{b}{b_1}$), юқориги

биеф томонга эксцентриситетни ҳисоблашларда ҳисобга олинмайди.

Порт иншоотлари учун аралаш силжиш схемаси бўйича турғунликларни ҳисоблашнинг бажармастикларига рухсат берилади.



2-расм. Замин турғунлигини ғовакти силжиш содир буладиган иншоот тағлиги участкасининг энини аниқлаш учун график

a —сурилш коэффициент $\text{tg} \varphi > 0.45$ бўлган грунтлар учун, b —шунинг узи $\text{tg} \varphi < 0.45$ бўлганда, $\sigma_{\text{сгм}}$ —заминнинг битта вертикал юксидан бўлиниш содир буладиган иншоот тағлигидаги уртача нормал кучланиш ($\sigma_{\text{сгм}}$ тавсия этиладиган 5-илова бўйича аниқланади $\sigma_{\text{сгм}} = N \sigma_{B,1}$)

3.10. Планада бурилтишли аралаш силжишда чегаравий силжитувчи куч $\alpha_1 R_{\text{сгм}}$ га тенг қабул қилинади, бунда α_1 тавсия этилаётган 6-иловадаги курсатма бўйича аниқланадиган коэффициент, $R_{\text{сгм}}$ —(13) формуладаги каби булади.

3.11. Иншоотларни чуқурлашган сурилш схемаси бўйича турғунликни ҳисоблаш қуйидагича амалга оширилади:

а) факат вертикал юкни кўтарувчи барча типдаги иншоотлар учун, порт иншоотлари учун эса юкнинг характерига боғлиқ бўлмайди;

б) вертикал ва горизонтал юкни кўтарувчи ҳамда бир жинслимас заминларда жойлашган иншоотлар учун 3.5-банддаги талаблар бажарилмаганда.

3.12. Чуқуртик силжиш схемаси бўйича гравитацион иншоотлар (порт ин-

шоотларидан ташқари) нинг турғунлигини ҳисоблаш тавсия этилган 7-илова бўйича амалга оширилади.

Порт иншоотларини турғунлигини ҳисоблашда одатда, икки усулда: сурилаётган грунт массивининг иншоот билан бирга сурилишининг, синик текислиги бўйича илгариланма сурилишдан келиб чиққан ҳолда ва сурилаётган грунт массивининг иншоот билан бирга сурилишининг доиравий цилиндрик сирти бўйича айланма силжишдан келиб чиққан ҳолда тавсия этиладиган 8-иловага мувофиқ амалга оширилиши; махсус асослашда эса курсатилган усуллардан бири билан ҳисоблаш керак.

Иккала усулдан фойдаланилганда (3) шарт иншоотнинг ишончлигини кам курсатадиган усул бўйича аниқланган турғунликнинг ҳисоблаш натижалари аниқловчи ҳисобланади.

3.13. Намлик даражаси $S_r \geq 0,85$ ва консолидация даражаси коэффиценти $c_0 < 4$ бўлган чангсимон-балчиқли грунтлардан қурилган заминга қурилган иншоотларнинг турғунлигини ҳисоблашда (3.5-бандга қаранг) грунтнинг консолидация даражасига мос келадиган унинг $\lg \sigma_{\text{ф}}$ ва c_1 характеристикалари қабул қилинади ёки грунтнинг стабиллашган ҳолатига мос келувчи грунт характеристикаларида ҳисоблашга ҳовакли босим (экспериментал ёки ҳисобий йўл билан аниқланади) киритилади.

КОЯТОШЛИ ЗАМИНЛАРГА ҚУРИЛАДИГАН ИНШООТЛАРНИНГ ТУРГУНЛИГИНИ ҲИСОБЛАШ

3.14. Қоятошли заминларга қуриладиган иншоотларнинг турғунлигини, қоятошли нишаблар ва ёнбағирларни ҳисоблашлар силжиш схемаси бўйича, яъни ёки синик ҳисобий сиртлар бўйича бажарилиши керак. Қоятошли заминларга қуриладиган бетон ва темир-бетон иншоотлар учун, шунингдек иншоотнинг пастки қирраси остидаги заминни бузиб чегаравий бурилиш (ағдарилш) схемасини қараб чиқиш керак. Шу билан бирга шундай схема бўйича ҳисоблаш натижалари аниқловчи ҳисобланадики, бунда (3) формуланинг шарти бўйича иншоотнинг

(нишаб, ёнбағирнинг) ишончлиги камлигини курсатади.

Сурилишнинг яъни сиртининг ҳисоблашда турғунлиқнинг бузилиши мумкин бўлган иккита схемасини ҳисобга олиш керак:

илгариланма сурилиш;

планда бурилиш сурилиш.

Сурилишнинг синик сиртини ҳисоблашда мумкин бўлган учта ҳисобий схемани ҳисобга олиш керак:

синган сирт ковуургаси бўйлаб

(бўйлама) сурилиш;

синган сирт ковуургасига қўндаланг силжиш;

синган сирт ковуургасининг силжишига бурчак остида (кийшиқ) силжиш.

Иншоот ёки нишаб (ёнбағир) турғунлигининг бузилиш схемасини танлаш ва сурилишнинг ҳисобий сиртларини танлаш қоятошли массивнинг дарз кетишининг асосий унсурларини курсатувчи муҳандис-геологик структура моделларининг анализлари мизълумотларидан (дарзнинг ориентировкаси, утулиги, қуввати, гадир-будирлиги ва б.) ҳамда бўшашган бўлақларнинг ва соҳаларнинг мавжۇтигидан фойдаланиб амалга оширилад.

3.15. Иншоотлар ва қоятошли нишаблар (ёнбағирлар) нинг турғунлигини бўйлама ва илгариланма силжиш схемаси бўйича ҳисобланганда (3) шартга қирувчи катталиклар қўндаланг формула бўйича аниқланади:

$$F = T; \quad (14)$$


$$R = \sum_{i=1}^n (P_{\text{ф}} \sigma_{\text{ф}i} + c_{\text{ф}i} A) + E_{\text{ф}} + R_{\text{ф}}; \quad (15)$$

бунда, F , R —(3) формуладаги каби:

T —фаол сурувчи куч (тенг таъсир этувчи ҳисобий юкнинг силжиш йўналишига проекцияси);

$P_{\text{ф}}$ —сурилиш сиртининг i нчи участкасида ҳисобий юкдан ҳосил бўладиган тенг таъсир этувчи нормал кўчланиш (куч);

$R_{\text{ф}}$ —фаол зўриқлашлар ва бошқалардан ҳосил бўлади.



ган силжиш йўналишига белги тескари булган қаршилик кучи;

n —мустаҳкамлик ва деформацияланиш хусусиятлари бўйича заминларнинг бир хил жинслимаслигини ҳисобга олиб белгиланадиган силжиш сиртлари участкаларининг сони;

$1g\phi$ 1. II —сурилиш ҳисобий сиртининг

с. I. II, I нчи участкаси учун қоятошли грунтлар характеристикасининг ҳисобий қийматлари; 2.16-банддаги талабга мувофиқ аниқланади;

A_r —сурилиш ҳисобий сиртининг I нчи участкаси юзи;

E_r —тирак массив (қайта туқиш) қаршилигининг ҳисобий кучи.

3.16. Тирак массив ёки қайта туқиш қаршилигининг ҳисобий кучи қиймати қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$E_r = \gamma_r E_{r,d} \quad (16)$$

буёнда, E_r —массив қаршилик кучининг ҳисобий қиймати.

Булашмиш сиртлари ифодаланмаган қайта туқиш ва тирак массивлар учун $E_{r,d}$ СНиП 2.06.02-87 бўйича аниқланади. Булашмиш сирти булган тирак массивлари учун n ушбу массив бу сирт бўйлаб силжиши мумкин) $E_{r,d}$ нинг қийматини тирак қирралар бўйича $1g\phi$ ва c характеристикаларни ҳисобга олмаган ҳолда қуйидаги формула бўйича аниқланиши керак:

$$E_{r,d} = Q \left[(\alpha + \varphi_{1,II}) + \frac{c_{1,II} A \cos \varphi_{1,II}}{\cos(\alpha + \varphi_{1,II})} \right], \quad (17)$$

буёнда, Q —ғовак призма оғирлиги;

I—ғовак призманинг сурилиш сирти юзи;

α —ғовак призма сурилиш сирти (булашмиш текислиги) нинг горизонтга нисбатан оғиш бурчаги;

$1g\phi$ 1. II— сурилиш сирти (ғовак) бўйича с. I. II грунтлар характеристикаларининг ҳисобий қийматлари;

γ_r —иш шароити коэффиценти; тирак массиви (қайта туқиш) ва замин грунтларининг деформацияси модуллари E_s ва E_r нисбатларига боғлиқ ҳолда қабул қилинади:

$$\frac{E_r}{E_s} \geq 0.8 \text{ булганда } \gamma_r = 0.7;$$

$$\frac{E_r}{E_s} \leq 0.1 \text{ булганда } \gamma_r = \frac{E_r}{E_{r,d}};$$

$$0.8 > \frac{E_r}{E_s} > 0.1 \text{ булганда қизикли}$$

интерполяция билан аниқланади.

E_r —соқинлик босими, қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$E_r = \frac{\gamma h^2}{2} \cdot \frac{v}{1-v}, \quad (18)$$

буёнда, γ —тирак массив грунтининг солиштирма оғирлиги;

v —тирак массив грунтининг қунда-

ланг деформация коэффиценти;

h —иншоот ёки нишаб билан конструкциядаги тиракнинг баландлиги.

Э с л а т м а. I Тирак массивнинг қаршилигини иншоот ёки нишабнинг тирак массив билан ич контакти бўлган ҳолатига ҳисобга олиниши керак.

2 $E_{r,d}$ кучини массив тирак қиррасининг оғишига горизонтга боғлиқ бўлмаган ҳолда қабул қилинади.

3.17. Иншоотлар ва қоятошли нишаблар (ёйбағирлар) нинг турғуилигини планда буриш билан суриш схемаси бўйича ҳисоблашда сурилишга қаршилик R фараз қилинадиган илгариланма ҳаракатдаги урнатиладиган куч қийматларига нисбатан мумкин булган камайишини ҳисобга олиш керак. Буёнда R нинг қиймати-га тавсия этиладиган б-илова талабларига

мувофик тузатиш киритишга рухсат этилади.

3.18. Иншоотлар ва қоятошли нишаблар (ёнбағирлар) нинг турғунлигини ҳундаланг силжиш схемаси бўйича бажа-
рладиган ҳисоблашлар, одатда, емири-
лиш (силжиш) призмасини ўзаро таъсир
этувчи унсурларга ажратиб амалга ошири-
лади.

Емирилиш (силжиш) призмасини
унсурларга ажратиш силжиш сирти харак-
терига, призманинг қоятошли массив
структурасига, унга таъсир этувчи кучлар-
нинг тақсимланишига мувофик амалга
оширилади. Хар қайси унсур чегарасида
сүрилиш сирти бўйича қоятошли грунт-
нинг мустахкамлик характеристикаси
тармас қилиб қабул қилинади.

Емирилиш призмасининг ажраллиш
қуилишини ва ҳисоблаш усулини танлаш
массивнинг геологик тузилишини ҳисобга
олган ҳолда танланади. Емирилиш
(силжиш) призмасини кесиб ўтувчи
бушаштириш сиртлари (бу сиртлар бўйи-
ча призма чегаравий мувозанатга эриши-
ши мумкин) мавжуд бўлганда унсурлар
орасидаги ажратиш текислигини ана шу
бушаштириш сиртлари бўйича жойлашти-
риш керак.

3.19. Қийшиқ силжиш схемаси бўй-
ича турғунлигини ҳисоблашлар массивнинг
силжиш йўналиши силжиш текисликлари
билан кесишган ковулга (ковурғалар) бир-
бирига мос келмайдиган ҳолларда бажа-
рилиши керак; масалан, арқасимон тўгон-
ларнинг қирғоқ тирақларини ва шунга
ўхшаш массивларнинг турғунлигини ҳис-
облашда.

3.20. Бетон иншоотларнинг турғун-
лигини чегаравий бурилиш схемаси бўйи-
ча (ағдарилш схемаси бўйича) ҳисоблашда
қатъий кучлар таъсирида вужудга кела-
диган иншоотнинг бурилиши ёки оғишида
иншоотнинг пастки қирраси остидаги за-
миннинг этилишга мустахкамлигининг бу-
рилиши натижасида бетон иншоотнинг
оқини бўлган турғунлигининг йўқоли-
шини текшириш керак. Бушда қуйидаги
шарт бажарилиши лозим:

$$\gamma_k M \leq \frac{\gamma_k}{\gamma_a} M_r, \quad (19)$$

бунда, M_r M_r -иншоотни ағдарилш ва ту-
тиб туришга интилувчи
кучлар моментларининг
йиғиндиси; тавсия этилган
4-иловада баён этилган
усулга мувофик аниқлана-
ди;

γ_k -иш шароити коэффициен-
ти, 1.0 га тенг қилиб оли-
нади;

γ_a γ_a -(3) формуладагидек.

3.21. Мураккаб муҳандислик шаро-
итларида I классга тегишли қоятошли за-
минларга ва қоятошли нишабларга қу-
рилган иншоотларнинг турғунлигини
баҳолаш учун ҳисоблашга қўшимча, одат-
да, моделларда текшириш ўтказиш лозим.

4. ЗАМИНЛАРНИ ФИЛЬТРЛАНИШЛА- РИГА ҲИСОБЛАШ

4.1. Гидротехник иншоотларнинг за-
минларни лойихалашда замин грунтла-
рининг филтрланиш мустахкамлигини
таъминлаш зарур. Техника-иктисодий
курсаткичлар бўйича рухсат этилган
филтрланиш сарфлари ва филтрланув-
чи сувнинг иншоот тағлигига қарши бо-
сими белгиланади. Шу билан бирга қуйи-
дагилар аниқланади:

филтрланиш оқимининг эркин сир-
ти (дисперсион сирти) шакли ва унинг
сизиб чиқиш участкасининг жойлашиш
урни;

филтрланиш оқим босимининг, асо-
сан иншоотнинг ер ости контури бўлаб ва
филтрланиш ҳоссаси билан ҳамда говаж
бушлиқ структураси билан фарқ қилувчи
грунтларнинг туташган жойларида
тақсимланиши;

заминнинг характерли участкаларида
филтрланиш сарфи;

филтрланиш оқимининг замин
грунтининг массивига куч таъсири;

заминдаги грунтларнинг умумий ва
махаллий филтрланиш мустахкамлиги;
бушда умумий филтрланиш мустахкамли-
ги қоятошли бўлмаган грунтли заминлар
учунгина, умумий филтрланиш мустах-
камлиги барча классли грунтлар учунгина
баҳолалиши керак.

4.2. Филтрланиш оқимининг харак-
теристикаси, уни заминнинг фискалий
ёки математик филтрланиш моделларига

моделлаш йули билан аниқланиши керак. Бунда, одатда, филътрланиш окимининг актив соҳасига келиб тушадиган грунт соҳаларининг сув утказувчанлиги ва суффизин турғунлиги бўйича энг характерлиги билан ажралиб турадиган грунтли массивнинг геологик структурасини ёритиб берадиган замин моделлари (схемалари) дан фойдаланилади. Бу соҳаларнинг чегаралари иншоот ер ости контурларининг белгиланган ўлчамлари ва конфигурацияларидан келиб чиққан ҳолда олдиндан ҳисоблаб топиллади.

4.3 Қоятошли бўлмаган заминнинг умумий филътрланиш мустаҳкамлигини таъминлаш критерияси қуйидаги шарт ҳисобланади:

$$I_{ср,м} \leq \frac{1}{\gamma_n} I_{кр,м} \quad (20)$$

бунда, $I_{ср,м}$ — босимнинг ўртача критик градиентининг ҳисоб киймати; 2.12-банд бўйича қабул қилинади;

γ_n — иншоотнинг жавобгар даражаси бўйича пухталиқ коэффициент; 3.1-банд бўйича қабул қилинади.

I ва II синфли иншоотларнинг заминлари учун $I_{ср,м}$ киймати ўзайтирилган контур линияси усули бўйича аниқланиши тўғрисида. Айрим ҳолларда $I_{ср,м}$ нинг кийматини бошқа шунга яқин усуллар билан аниқлашга руҳсат бериллади.

4.4 Қоятошли бўлмаган заминнинг маҳаллий филътрланиш мустаҳкамлиги фақат кейинги замин соҳаларида аниқлаш керак:

филътрланиш окимининг замин қадиллигидан дренаж қурилмасининг пастки бьефига ва бошқаларга чиқиш (бўшаш) соҳасида;

суффизин-турғунмас грунтлар қатламиде: филътрланиш окимининг босими тушиши катта бўлган жойларда, масалан, ер ости тўсиқлардан айлиниб ўтадиган жойларда;

турли филътрланиш хоссази ва структурати грунтлар билан контакта бўлган участкаларда.

Қоятошли бўлмаган заминнинг маҳаллий филътрланиш мустаҳкамлиги кри-

териясини қуйидаги шарт билан таъминланади:

$$I_{кр} \leq \frac{I_{кр}}{\gamma_n} \quad (21)$$

бунда, $I_{кр}$ — заминнинг қуриладиган соҳасидаги маҳаллий босим градиенти; 4.2-бандда кўрсатиладиган усул билан аниқланади;

$I_{кр}$ — босимнинг маҳаллий критик градиенти; 2.12-банд бўйича аниқланади.

4.5. Қоятошли заминларнинг маҳаллий филътрланиш мустаҳкамлигини таъминлаш критерияси (21) шарт ҳисобланади; бунда $I_{кр}$ ни $I_{кр,1}$ билан алмаштирилади ва қуйидаги шарт ҳосил бўлади:

$$v_{ср,1} = \frac{v_{ср,м}}{n_1} \leq \frac{v_{кр,1}}{\gamma_n} \quad (22)$$

бунда, $v_{ср,1}$ — замин массиви дарзидаги сувнинг ўртача ҳаракат тезлиги;

$v_{ср,м}$ — ажратилган дарзлар тизимидаги ювилиш йўналишида массивдаги филътрланиш сувининг тезлиги;

n_1 — массивнинг ҳисобий ғовақлиги; ичи ғовақ дарзлар очилишининг ишончли эҳтимолиги 0,95 бўлгандаги тизим учун массивдаги ғовақ дарзларнинг борлиги аниқланади;

$v_{кр,1}$ — дарздаги сувнинг критик ҳаракат тезлиги; 2.20-банд бўйича аниқланади;

$I_{ср,1}$ — қурилатётган дарзлар тизимининг ювилиш йўналишидаги критик босим градиенти; 2.20-банд бўйича аниқланади.

4.6. Босимли иншоотларнинг ер ости контурларини лойиҳалаш ҚМҚ 2.06.05-98 ва ҚМҚ 2.06.06-98 талабларига мувофиқ бажарилиши керак. Лойиҳаланадиган иншоот заминиде дренаж тизимини ва филътрланишга қарши қурилмаларни танлашда, шунингдек унзан фойдаланиш ша-

роитини, муҳандислик-геологик шароитни ва сув бостириладиган қисмда атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича талаблар, унга ёндошган ҳудуднинг ботқокланиши, карст-суффозия жараёнларининг активлашиши ва бошқатар ҳисобга олиниши керак.

4.7. Қоятошли бўлмаган заминларда филтрланишга қарши пардали лойиҳалашда қуйидагича босимнинг критик градиентларини қабул қилиш лозим:

тош қотишмачи ва тошли инъекцион пардаларда-7,5, йирик ва уртача йирикликдаги қумларда-6,0 ва майда қумларда-4,0;

«девор грунтда» усули билан қурилган пардаларда, филтрланиш коэффициентини 200 м/сутка гача булган грунтларда, материалга мувофиқ ва ундан фойдаланиш давомийлигида-6-жадвал бўйича.

6-жадвал

Парда материал	Пардадаги критик босим градиенти, I_{cr}
Бетон	180
Лой-цементли эритма	125
Патахса-патахса пил	40
Гишланган грунт	25

Эслатиш. Вақтинчалик парда учун босимнинг критик градиентларини 0,254 гача оширишга руҳсат берилган.

4.8. Қоятошли заминларда филтрланишга қарши (цементланган) пардаларни лойиҳалашда пардадаги критик босим градиенти I_{cr} ни парда чегарисидаги солиштирма сув ютиш q_c га қараб 7-жадвал бўйича қабул қилиш керак.

Парда (битта ёки бошқа филтрланишга қарши қурилмалар билан биргаликда булган) замин таркибидagi зрийдиган грунтларни ишқорланишидан химоя қиладиган ҳолларда руҳсат этилган солиштирма сув ютишини ҳисоблаб ва эксперементал текшириб асослаш керак.

Филтрланишга қарши парданинг сингдирувчанлигидан камиди 10 марта кам бўлиши лозим.

4.9. Босим градиенти бирга яқин булган сизилтиш оқими замин сиртига чиқадиган жойларда грунтнинг суртилиб

чиқишининг олдини олиш учун лойиҳада сингдирувчан юқламани ёки юк камайтирувчи дренажни кўзда тутиш керак. Юқлама материални тесқари филтр принципи бўйича замин грунтини контакт суффозиясидан химоя қилиш учун танлашни лозим.

7-жадвал

Қоятошли грунтнинг пардада солиштирма сув ўтказувчанлиги q_c , л/(мин·м²)	Пардадаги критик босим градиенти I_{cr}
0,01 дан кам	35
0,01 - 0,05	25
0,05 - 0,1	15

Изотроп-сингдирувчи ва бир жинсли заминлар учун кузатиладиган юк қалинлиги (юқоридан унга босим бўлмаганда) қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$i = \frac{1}{\gamma_{д.р}} (\gamma_{г.г.} h - \pi_{г.г.}), \quad (23)$$

бунда, h —замин қалинлигида ҳисобий чуқурлик z учун ва замин грунт сирти учун пьезометрик сатҳларнинг фарқи (z пастки шпунт ёки тишнинг чуқурчасига мос келади);

$\gamma_{д.р}$ —сувнинг музлақ таъсирини ҳисобга олган ҳолда грунт ва юқнинг солиштирма оғирлиги;

$\gamma_{г.г.}$ —сувнинг солиштирма оғирлиги;

$\pi_{г.г.}$ —иншоотнинг жавобгарлик даражаси бўйича пухталиқ π коэффициентини, 3.1-бадд бўйича кузатилади.

5. ҚОЯТОШЛИ ЗАМИНЛАРНИНГ МАҲАЛЛИЙ МУСТАХКАМЛИГИНИ АНИҚЛАШ

5.1. Гидротехник иншоотларнинг қоятошли заминларининг маҳаллий мустахкамлигини ҳисоблаш филтрланишга қарши қурилманинг мумкин булган бузилишининг олдини олувчи асракли тадбирлар ишлаб чиқишни белгилаш учун, иншоотларнинг мустахкамлиги ва турғулигини ошириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқишда ҳисобга олиш учун ҳамда шовот ва заминларнинг зўриқдан деформация

цияланган ҳолатини ҳисоблашда маҳаллий мустаҳкамлик чегарасига эришишни ҳисоблаш учун амалга ошириш керак.

Маҳаллий мустаҳкамликка ҳисоблаш фақат I синфли иншоотларнинг заминлари учун (юқлар асосан бирикканда) иккинчи гуруҳнинг чегаравий ҳолати бўйича бажарилиши зарур.

5.2. Қоятошли заминларнинг маҳаллий мустаҳкамлигини текширишни ҳисобий майдончалар бўйича амалга ошириш зарур:

а) массивдаги дарзга тўғрилланган текисликлар билан мос келувчи;

б) иншоот-замин контактига тўғрилланган текислик билан мос келувчи;

в) дарзларга ва иншоот-замин контактига тўғрилланган текислик билан мос келмайди.

5.3. 5.2-банднинг «а» ва «б» бандларида кўрсатилган майдончалар бўйича маҳаллий мустаҳкамликни таъминлаш критериялари бўлиб, қуйидаги шарт ҳисобланади:

$$\sigma_n > R_{m,II}; \quad (24)$$

$$\theta = \frac{\sigma_n \lg \varphi_{m,II} + c_{m,II}}{\tau_j} = \frac{(\sigma_1 \sin^2 \beta - \sigma_3 \cos^2 \beta) \lg \varphi_{m,II} + c_{m,II}}{(\sigma_1 - \sigma_3) \sin \beta \cos \beta} > 1, \quad (25)$$

бунда, θ — ҳисоблаш майдончасидаги чегаравий уринма кучланишларнинг фойдаланиладиган майдончадаги кучланишларга нисбати;

σ , τ — биргаликдаги ҳисоблашларда норматив юқлардан тушадиган дарз текислигига (контактга) тўғрилланган ҳисобий майдончадаги мос ҳолдаги чегаравий ва уринма кучланишлар (кисувчи кучланишларга «плюс» белгиси мос келади);

σ_1 , σ_3 — худди уша юқлардан вужудга келадиган мос ҳолдаги максимал ва минимал асосий кучланишлар;

β — дарзга (контактга) тўғрилланган ҳисобий майдонча билан асо-

сий кучланиш σ_1 йўналиши орасидаги ўткир бурчак;

$\lg \varphi_{m,II}$, $c_{m,II}$ — дарзга (контактга) тўғрилланган ҳисобий майдончалар учун ҳисобий характеристикалар, 2.16-банддаги талабларга мувофиқ аниқланади;

$R_{m,II}$ — қоятошли грунт массивининг бир ўқли чузилишга мустаҳкамлик чегарасининг ҳисобий қиймати; 2.14-банддаги талабларга мувофиқ аниқланади.

5.4. 5.2-банддаги кўрсатилган майдончалар бўйича маҳаллий мустаҳкамликни таъминлаш критериялари қуйидаги шарт ҳисобланади:

$$\sigma_3 > R_{m,II}; \quad (26)$$

$$\theta = \frac{2}{(\sigma_1 - \sigma_3)} \times$$

$$\times \sqrt{(\sigma_1 \lg \varphi_{m,II} + c_{m,II})(\sigma_3 \lg \varphi_{m,II} + c_{m,II})} > 1, \quad (27)$$

бунда, $\lg \varphi_{m,II}$ — дарзларга ва иншоот-замин $c_{m,II}$ контактига тўғрилланмаган ҳисоблаш майдончалари учун ҳисобий характеристикалар, 2.16-банд талабларига мувофиқ аниқланади.

Агар дарзларга ва контактга тўғрилланмаган ҳисоблаш майдончасидаги уринма τ_m ва нормал σ_m кучланишлар орасидаги боғланиш $\lg \varphi_{m,II}$ и $c_{m,II}$ ларни аниқлашда ягона чизикли боғлиқлик катта хатоликлар билан ёзилса, бу боғлиқликни бўлакли-чизикли аппроксимация йўли билан ёки чизиклимас боғлиқликлардан, масалан, квадрат парабола $\sigma_m = (\zeta \tau_m)^2 \cdot \chi$ кўринишидаги боғлиқлардан фойдаланиб мумкин бўлган чизиклиларини ҳисобга олиш керак. (27) шарт ўрнига квадратик параболадан фойдаланилганда қуйидаги шарт бажарилиши керак:

$$\theta = \frac{\sqrt{\chi + \sigma_1} + \sqrt{\chi + \sigma_3}}{(\sigma_1 - \sigma_3) \chi} \quad (28)$$

Бунда χ ва ζ параметрлар энг кичик ўртача квадратик оғишлар усули билан экспериментал маълумотларга ишлов бериш йўли билан аниқланиши керак.

5.5. (24) ва (26) шартлар 5.1-банддаги кўрсатилган барча ҳолларда, (25) ва (27) [ёки (28)] шартларда эса худди шу ҳолларда, бироқ фақат $\sigma_3 < 0$ бўлган ҳоллардагина бажарилиши керак. Агар $\sigma_3 < 0$ бўлса, у ҳолда (25) ва (27) [ёки (28)] шартларни заминнинг кучайтирилган-деформацияланган ҳолатдаги ҳисоблашларда ишлаб чиқариладиган заминнинг мустаҳкамлигини баҳолашдагина ва иншоотнинг мустаҳкамлиги ҳамда турғунлигини ошириш бўйича тадбирларни ишлаб чиқишда бажарилиши керак.

Филтрланишга қарши қурилманинг (агар $\sigma_3 < 0$ бўлса) пухталигини баҳолашда парда текислиги билан мос келувчи майдончалар учун (25) шартнинг бажарилиши тежиримлидир.

Цементланган парда чегараларида маҳаллий мустаҳкамлик шартлари бажарилмаганда филтрланиш режимининг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда 4-бўлим талабларига мувофиқ филтрланиш ҳисоблашлари бажарилиши лозим.

5.6. (24)-(26) шартлардаги σ_1 , τ_1 , σ_3 ва σ_3 кучланишларни аниқлашда туташ муҳитлар механикаси ва геомеханиканинг ҳисоблаш ҳамда экспериментал усуллари билан фойдаланиш керак.

Иншоот билан заминни бирга чиққил-деформацияланадиган жисмлар тизими сифатида қараб чиқишга рухсат этилади. Улар орасидаги контактда мувозанат шартини ва силжиш тенглигини бажарилиши керак.

Асослашда иншоот-замин тизимини схемалаштиришга рухсат бериллади. Бу эса бир ёки бир неча кесим текисликларига тадбир этиладиган ясси эластиклик назарияси масалаларини ечишга имкон беради. Шу билан бирга замин сирти текис деб, замин жинсини бир жинсли қилиб ёки бир жинслар баъзи соҳалардан, ёхуд узлуксиз ўзгарувчи характеристикалардан иборат деб қабул қилиниши мумкин. Керак бўлганда замин сиртларининг сунъий рельефини, иншоот-замин тизими ишмининг фазовий характерини ҳисобга олиш керак, шунингдек замин механика характе-

ристикаларининг тақсимланишини деталларга ажратиш лозим.

Заминнинг баъзи соҳаларидаги кучланишларни аниқлашда (кўрсатилган нуқтаи назарда) (24)-(28) шартлардан бир (ёки бир неча) си бажарилмаса, у ҳолда, одатда, масаланинг ечилишини аниқлаш зарур. Бундай аниқлашни кучланиш билан деформация орасидаги нозичикли боғланишдан фойдаланиб ёки қўрилатган соҳаларнинг бирини олиб ташлаш ҳисоби-га кесим геометриясини ўзгартириш йўли билан бажарилиши керак.

6. КОНТАКТ КУЧЛАНИШЛАРНИ АНИҚЛАШ

6.1. Контакт кучланишлар (иншоот-замин контакти бўйича нормал ва уринма кучланишлар) ни аниқлаш, улардан конструкция ва иншоотларни ҳисоблашларда, шунингдек заминларни кўтарувчи хусусиятлари ва деформациялари бўйича ҳисоблашларда фойдаланиш учун керак бўлади.

Контакт кучланишларни аниқлашда иншоотнинг конструктив хусусиятларини, қуриш кетма-кетлигини ва замин турини ҳисобга олиш лозим.

Лойиҳалашда конструкцияларда ёки иншоотнинг унсурларида ҳисоблаш ишларини қамайтириш мақсадида контакт кучланишларининг оптимал тақсимланишини яратиш имконини қараб чиқиш лозим. Бунда иншоотларнинг контакт юзаларидаги чиққилларини ўрнатиш, заминнинг алоҳида зоналарини зичлаш ва иншоотни қуриш кетма-кетлиги қўлда тутилади.

Э с а т м а. Грунтнинг тўқувчи конструкциялар билан контактдаги кучланишлари КМК 2.04.07-98 бўйича аниқланади.

6.2. Қоятоқли заминларга қурилган иншоотлар учун контакт кучланишлар марказий бўлмаган қисмиш усули билан, керак бўлган ҳолларда I ва II сифатли иншоотлар учун туташ муҳитлар механикаси усули билан фойдаланиб иншоот-замин тизимининг зўрқандан ҳолатларини ҳисоблаш натижалари бўйича аниқлаш керак.

Коятошли бўлмаган заминларга қурилган иншоотлар учун контакт кучланишлар 6.3-6.11 бандларнинг талабларига мувофиқ аниқланади.

6.3. Коятошли бўлмаган заминларга қурилган иншоотлар учун контакт кучланишларни аниқлашда иншоотнинг эгилувчанлик кўрсаткичи I_{ρ} ни ҳисобга олиш керак. Қуйидагича аниқланади:

а) иншоотни ясси схема бўйича ҳисоблашда иншоотнинг узунлик йуналишида

$$I_{\rho 1} = \frac{(1 - \nu_1^2) \pi E b l^3}{32(1 - \nu^2) E_1 I_1}; \quad (29)$$

иншоотнинг эни йуналишида

$$I_{\rho 2} = \frac{(1 - \nu_1^2) \pi E \delta b^3}{32(1 - \nu^2) E_1 I_1}; \quad (30)$$

б) иншоотни фазовий схема бўйича ҳисоблашда:

$$I_{\rho 2} = \frac{\pi E l^2 b}{8D(1 - \nu^2)}; \quad (31)$$

(29)-(31) формулатарда:

ν_1 , ν —Пуансон коэффициенти, мос ҳолдаги замин ва иншоот материаллики;

E , E_1 —замин ва иншоот материаллигининг эластиклик деформацияси модуллари;

b , l —мос ҳолда иншоот тағлиги эни ва узунлиги;

I_1 , I_2 —иншоотнинг ҳисобий кесимларининг инерция моментлари;

δ —иншоот тағлиги узунлиги бўйича ҳисобий унсурнинг эни, $\delta = l$ ни қабул қилинади;

D —иншоотнинг пойдевор плитасининг шилиндрик бикрлиги.

Эгилувчанлик коэффициенти $I_{\rho 1} < 1$ га тенг бўлган ҳолларда контакт кучланишларини иншоотларнинг абсолют бикрлиги учун сифатида аниқлаш керак. $I_{\rho 1} > 1$ ($I_{\rho 2} < 4$ б/л) бўлганда контакт

кучланишлар иншоотнинг эгилувчанлигини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

БИР ЖИНСЛИ КОЯТОШЛИ БЎЛМАГАН ЗАМИНЛАРГА ҚУРИ- ЛАДІГАН ІНШООТЛАР УЧУН КОНТАКТ КУЧЛАНИШЛАРНИ АНИҚЛАШ

6.4. Ясси деформация схемаси бўйича ҳисобланадиган I ва II синфли бикр иншоотлар учун нормал контакт кучланишлар, одатда, туташ муҳит механикаси усуллари (чириклик ёки чириклик бўлмаган эластиклик назарияси, пластиклик назарияси) бўйича аниқлаш керак. Бу кучланишларни I ва II синфли иншоотлар учун асослашга рухсат этилади. III ва IV синфли иншоотлар учун эса тавсия этилаётган 9-илова бўйича марказий бўлмаган қисим усули билан ёки ётқириш коэффициенти усули билан, грунтнинг нисбий

зичлиги $D_0 = \frac{e_{\max} - e}{e_{\max} - e_{\min}} \leq 0,5$ бўлган

қумок грунтли заминлар учун мажбурий 10-илова бўйича экспериментал эпюр усули билан аниқланади.

Э с л о т м а 1. Эластиклик назарияси ва пластиклик назарияси усуллариин қўллаганда охириги катинлиқини қисқаришган қатлами қурилишдаги замин қабул қилишга рухсат берилмади. Бунда охириги катинлиқини қумок грунтлар учун 0,3б га тенг қилиб, батчиқли грунтлар учун 0,5б га тенг қилиб олинади (b—иншоотнинг тағлиги эни). Қисқаришган қатлам катинлигини экспериментал маълумотлар бўлган тақдирда аниқлашга рухсат берилмади.

2. Иншоот тағлигининг участкасида қўзғувчи контакт кучланишлар ҳосил қилишда бу участка ҳисобий контакт сирдан ҳоли бўлиши керак. қолган қисмларда эса контакт кучланишлар қайта ҳисоблаб чиқилиши зурр.

6.5. Гидротехник иншоотларнинг мустаҳкамчилигини ҳисоблаш учун контакт кучланишларнинг эпюрлари туташ муҳитлар механикаси, марказий бўлмаган қисимлиш, ётқириш коэффициенти ва экспериментал эпюр усуллари бўйича аниқланиши керак. Бунда ҳосил қилинган эгувчи моментлар турли ишорага эга бўлса, ҳисоблашларда моментлар, уларнинг максимал абсолют қийматлари йиғиндисини 10% га қамаяди, бир хил ишорали бўлса, қатта эгувчи момент бу қийматлар фарқининг 10% га қамаяди.

6.6. Иншоотларнинг эгилувчанлигини ҳисобга олган ҳолда контакт кучланишларни аниқлашда ётқизиш коэффициентини усули билан, шунингдек эгилувчан ва эгилувчан-пластик масалаларни ечиш билим қабул қилишга рухсат этилади. Шу билан бирга иншоот, унинг схемасига қараб ясси ёки фазовий конструкция (балка, плита, рама ва б.) сифатида қаралади. Конструкция унсурларининг эгилувчанлиги СНиП 2.06.08-87 талабларига мувофиқ бўлсин булган дарзлар ҳосил бўлиш имкониятини ҳисобга олган ҳолда аниқлаштириши керак.

Э с л а т м а 1. Мураккаб фазовий иншоотлар (СЭС бинолари, шикотлар қаллавлари ва б.) ни ҳисоблашда фазовий масалаларни ечиш ўрнига текстик масалаларни ечишдан фойдаланишга рухсат берилган. Ҳудуд бир-бирига боғлиқ бўлмаган иккита перпендикуляр йуналишлар қараб чиқилади.

2. Иншоотларнинг эки йуналишда, уларда турли эгилувчан участкалар мавжуд бўлганда иншоотларни ҳисоблашда уларнинг ситқилишини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

6.7. Сувувчи кучлар таъсир этганда ҳосил буладиган урикма контакт кучланишлар 6.4-бандда қўрсатилган усуллар билан аниқлаш керак.

Ётқизиш коэффициентини ва марказий бўлмаган қисилтиш усулларини қўллашда урикма кучланишлар бир текисда тақсимланган деб қабул қилиниши мумкин.

Вертикал кучлар таъсири билан ҳосил булган урикма кучланишлар иншоотларнинг мустақамлигини ҳисоблашда, одатда, ҳисобга олинмайди.

Э с л а т м а Иншоотнинг таглиги участкасида урикма кучланишларни чегаравий $\sigma_{\text{ср}} = \sigma_{\text{ср}} + \sigma_{\text{дн}}$ қилиб қилиб ҳисоб қилинганда улар чегаравийга тенг қилиб қабул қилиниши олинмиши керак, қолган участкаларда улар қилиб ҳисоблаб чиқилиши мумкин.

БИР ЖИНСЛИ БЎЛМАГАН ҚОЯ-ТОҶИЛ БЎЛМАГАН ЗАМИНЛАРГА ҚўРИЛАДИГАН ИНШООТЛАР УЧУН КОНТАКТ КУЧЛАНИШЛАРНИ АНИҚЛАШ

6.8. Бир жинсли бўлмаган заминларга қўрилган иншоотларнинг таглиги бўйича

таъсир этувчи нормал контакт кучланишлар 6.4-банддаги қўрсатма бўйича бир жинсли заминлардаги каби усуллар билан аниқланади.

Эластиклик назарияси ва пластиклик назарияси усулларидан фойдаланилганда грунтларнинг бир жинслимаслиги турли хил заминлар соҳалари учун деформацияланувчанлик ва мустақамликларнинг мос ҳисобий характеристикалари ҳисобга олинмиши.

Марказий бўлмаган қисилтиш усули билан контакт кучланишларни аниқлашда заминларнинг бир жинслимаслигини ҳисобга олиш 6.9 ва 6.10-бандлар талабларига мувофиқ, ётқизиш коэффициентини ва экспериментал эпюр усулларидан фойдаланилган ҳолларда 6.11-банддаги талабларга мувофиқ амалга оширилиши керак.

6.9. Вертикал ва қиялик бўйича тушадиган қатламли бир жинсли бўлмаган заминларда контакт кучланишларни ҳисоблашларда қуйидагилардан фойдаланиши мумкин:

а) туташ мухитлар механикаси усуллари, шу жумладан масалаларни ечишнинг сон усулларидан;

б) контакт кучланишларни ҳар қайси қатлам грунтининг деформациялар модулларига пропорционал қилиб қабул қилиниши керак буладиган таҳминий усуллар; бунда ҳар қайси қатламнинг ўлчамига ва мажбурий 5-иловада баён этилган методикадан фойдаланиб қўйилган юл эксцентриситетига боғлиқ бўлади.

6.10. Заминда қилинмиши ўзгарувчан қатлам бўлса ёки қатлам қилиб қўйилган бўлса контакт кучланишларни ҳисоблашда қуйидагилардан фойдаланилади:

а) туташ мухитлар механикаси усуллари, шу жумладан сон усуллари.

б) қилинмиши ўзгарувчан қатлам заминларни таҳрибий ҳисоблаш схемасига асосланган таҳминий усуллар ёки қатламлар вертикал жойлашган шартда замин схемасига қатламлар қилиб қўйилган бўлади.

Ўзгариб қилинмиши грунт қатламлари горизонтал жойлашганда заминнинг бир жинслимаслигини ҳисобга олишнинг имконияти мумкин.

6.11. Нормал контакт кучланишларнинг экспериментал эпюр ва ётқизиш коэффициенти усуллари билан аниқлаш

заминнинг бир жинслимаслигини ҳисоблаб олиш қўшимча эпюрнинг ординатлари билан эпюра ординатларини қўйиш йўли билан амалга оширилиши керак. Бу 6.4 ва 6.6-бандлар бўйича қўзда тутилган бир жинсли заминлардан аниқланади.

Қўшимча эпюралар ординатаси бир жинсли бўлмаган ва бир жинсли заминлар учун марказий бўлмаган қисилиш усули бўйича қўрилган эпюр ординаталари фарқига тенг қилиб олинishi керак.

7. ГРУНТ МАТЕРИАЛЛАРИДАН ҚЎРИЛГАН ИНШООТЛАР ВА ТЎҒОНЛАР ЗАМИНЛАРИНИ ДЕФОРМАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА ҲИСОБЛАШ.

7.1. Грунт материалларидан қўрилган иншоотлар ва тўғонлар заминларини деформацияларни бўйича ҳисоблаш иншоот-замин тизимлар конструкцияларини танлаш мақсадида амалга оширилиши керак. Бунда уларнинг силжиши (чўкиши, горизонтал силжишлар, кренлар, горизонтал ўқ бўйича бурилишлар ва б.) иншоотнинг ўзида ёки унинг алоҳида қисмларидан фойдаланишдаги нормал шароитлари билан кафолат берувчи чегаралар билан чегараланган бўлади ва талаб этилган қўлга чидамликни таъминлайди. Шу билан бирга конструкцияларнинг мустаҳкамлиги дарз бўлишга турғунлиги иншоотнинг замин билан ўзаро таъсирида содир бўладиган кучни ҳисобга олувчи ҳисоблашлар билан тасдиқланган бўлиши лозим.

Деформациялар бўйича ҳисоблаш иншоотни қўриш ва ундан фойдаланиш жараёнида юкларнинг таъсири хусусиятини ҳисобга олган ҳолда (иншоот қўрилиши кетма-кетлиги ва тезлиги, сув омборининг тулиш графиги ҳамда бошқалар) юкларнинг асосий бирикмасида амалга оширилиши керак.

Қўриш жараёнида содир бўладиган иншоот заминининг силжишлари, агар улар иншоотдан фойдаланишга таъсир этмаса ҳисобга олмасликка рухсат берилади.

7.2. Деформациялар бўйича ҳисоблаш қўидаги шартдан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади:

бунда, S_z -замин ва иншоотларнинг биргаликдаги деформацияси (чўкишлар s , горизонтал силжишлар u , кренлар (огишлар) i , вертикал ўқ бўйича бурилишлар). 7.7; 7.8; 7.11-7.14 бандларнинг кўрсатмаси бўйича ҳисоблаб топилади;

S_{μ} -замин ва иншоотларнинг биргаликдаги деформациясининг чегаравий киймати, 7.3-банд кўрсатмаси бўйича белгиланади.

Иншоотни айтилган нормаларга мувофиқ лойиҳалаш ҳолларида, агар тағлиги остидаги босимнинг ўртача киймати замин грунтининг ҳисобий қаршилиги R дан ошмаса, (32) формула бўйича деформацияларни текширмасликка рухсат берилди; бунда R ҚМҚ 2.02.01-92 бўйича, керак бўлган ҳолларда қўшимча иш шароитлари коэффицентини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

7.3. Замин ва иншоотларнинг биргаликдаги деформацияларининг чегаравий киймати иншоотларни мос ҳолдаги лойиҳалаш нормаларига, ускуна ёки бинодан техникавий фойдаланиш қоидаларига (лоиҳалашда) мувофиқ белгиланади ва қўидагиларга риоя қилинади:

иншоот деформациясига қўиладиган технологик талаб, бунга ускуналардан нормал фойдаланишга қўиладиган талаблар ҳам қиради;

конструкцияларнинг мустаҳкамликка, турғунликка ва дарз кетишга турғунликка мустаҳкамлиги, бунга иншоотнинг турғунлиги ҳам қиради.

S_{μ} ни белгилашда секциялар орасидаги чокларнинг нормал ишлашини бузишга, тўғон чўққиси орқали сув оқиш мумкинлигига олиб келмайдиган иншоотнинг бўлимлари ва қисмлари сурилишларининг рухсат этилган фарқини ва иншоот билан боғлиқ бўлган коммуникациялардан нормал фойдаланишнинг бузилишини ҳисобга олиш лозим.

7.4. Биргаликдаги деформацияларни ҳисоблашни фазовий масалалар шартлари учун амалга ошириш зарур. Узунлиги энгисбатан 3 марта катта бўлган иншоотларни ҳисоблаш учун ясси деформация шароитлари учун амалга оширишга рухсат берилади. Иншоотнинг энгис қисилишига қалин H , дан (7.8-банддаги кўрсатма

7.8. Замин грунтининг ҳисобий қаршилиги R дан катта бўлган иншоотнинг таглиги остидаги уртача босим p да чуқуш сонли усуллар билан аниқланиши керак. Бу усуллар, грунтлар деформациясининг эластик-пластик характерларини, фазовий зуриккан ҳолатини, иншоотни қуриш кетма-кетлигини ҳисобга олади. Чуқушни тахминий ҳисоблаш учун тавсия этиладиган 12-иловага мувофиқ аниқлашга руҳсат этилади.

7.9. Заминнинг қисувчи қатламининг ҳисобий чуқурлиги H_c қуйидагича аниқланади: КМК 2.02.01-97 бўйича аниқланадиган иншоот таглиги эни $b \leq 20$ м бўлганда, қатламнинг пастки чегарасида ташки қуддан ҳосил буладиган вертикал қучланиш σ_v нинг грунт ўз огирлигидан ҳосил буладиган вертикал қучланиш $\sigma_{v\gamma}$ нинг ярмига тенглиги шартидан $b > 20$ м бўлганда (бунда ер ости сув сатҳи остидаги пастдаги сувнинг филтрацион қучи ва муаллақ ҳолатдаги таъсири ҳисобга олинади). Грунтда $E < 5$ МПа ли қатламининг пастки чегараси жойлашганда эки шундай грунт ана шундай чегарадан бевосита пастда ётганда ҳисоблаган қаватга қиради. Бундай грунтдаги қисувчи қатламнинг пастки чегарасини $\sigma_{v\gamma} = 0,2\sigma_v$ шартидан келиб чиққан ҳолда аниқлаш керак.

7.10. Вақт моментидаги барқарорлашмаган чуқуш s , қуйида формула бўйича аниқланади:

$$s = \left(U_1 + \frac{\delta_{vcr}}{\delta_{vcr}} U_2 \right) \frac{s}{1 + \frac{\delta_{vcr}}{\delta_{vcr}}} \quad (34)$$

бунда, U_1, U_2 —мос ҳолда грунтнинг биринчи ва иккинчи консолидацияси даражаси.

δ_{vcr} —грунтнинг силжиш параметрлари, грунтни дренажланган схем буйича компрессион синнашлар натижалари бўйича аниқланиши керак;

s —огирли чуқуш, 7.7-бандга мувофиқ аниқланади.

Бирламчи консолидация даражаси U_1 консолидациянинг бир улчамли, яъни

ёки фазовий масалаларни ечиб аниқланади. III ва IV синфли иншоотлар учун тавсия этиладиган 13-иловага мувофиқ U_1 ни аниқлашга руҳсат берилади. Фовакли босимни ҳисобга олинмаган ҳолларда $U_1=1$ деб олиш мумкин. Фовакли босимни ҳисобга олиш керак бўлганда 3.13-банд бўйича аниқланади.

Иккитамчи консолидация даражаси U_2 грунтнинг силжиш ҳоассини ҳисобга олган ҳолда бир улчамли, яъни ва фазовий масалаларни ечиб аниқланади. III ва IV синфли иншоотлар учун U_2 ни қуйидаги формула бўйича аниқлашга руҳсат берилади

$$U_2 = 1 - e^{-\frac{H_c}{H_c}} \quad (35)$$

КОЯТОШЛИ БЎЛМАГАН ЗАМИНЛАРГА ҚУРИЛАДИГАН ИНШООТЛАРНИНГ ҚИЙШАЙИШINI АНИҚЛАШ

7.11. Иншоотларнинг қийшайиши (опиши) иншоотнинг эни чегарасида номарказий қуйилган юқдан, иншоотнинг таглигидан ташқари заминнинг юқтанганлигидан, юқ номарказий қуйилганда туқма грунтнинг иншоот танасига қисилишидан (тубсиз ячейкали конструкциялар учун) аниқланиши керак.

7.12. Бир жинсли ва горизонтал-қатламли заминлардаги филтрация қучларини ҳисобга олмайдиган ҳолларда иншоотнинг эни чегарасида номарказий қуйилган вертикал юқдан ҳосил буладиган таглиги туғри бурчакли бўлган иншоотнинг қийшайишини қуйидагича аниқлашга руҳсат берилади:

а) иншоот таглигининг катта томони йуналишида қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$i_1 = i_0 \omega_1 = k_1 \frac{M_1}{l^3} \cdot \frac{1 - \nu^2}{E_m} \quad (36)$$

б) иншоот таглигининг кичик томони йуналишида қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$i_2 = i_0 \omega_2 = k_2 \frac{M_2}{b^3} \cdot \frac{1 - \nu^2}{E_m} \quad (37)$$


бунда, ω_1 , ω_2 —иншоотнинг кийшайиш бурчаклари;

k_1 , k_2 — улчовсиз коэффициентлар, 3-чизма бўйича аниқланади;

M_1 , M_2 —туғри бурчакли тагликнинг мос ҳолдаги катта ва кичик томонларига параллел бўлган вертикал текислик бўйича таъсир этувчи моментлар;

1. h —иншоот таглигининг мос ҳолдаги узунлиги ва эни;

г. E_m —бутилма деформация ва деформация модули коэффициентлари, мажбурий 3-илова бўйича аниқланади.



3-расм. k_1 ва k_2 коэффициентларини аниқлаш графикалари

7.13. Иншоот таглигидан ташқарида замин юкланишидан иншоотнинг кийшайишининг аниқлаш қуйидаги формула бўйича амалга оширилади:


$$i = \lg \varepsilon = \frac{s_1 - s_2}{b} \quad (38)$$

бунда, s_1 , s_2 —иншоот таглигининг А ва В чеккаларининг чуқирли (4-расм), мажбурий II-илова кўрсатмаси бўйича $\sigma_{1,2} = \sigma_0$ бўлганда ва мос ҳолда $x_{1,2} = c + b$ ҳамда $x_{1,2} = c$ бўлганда аниқланади.

h —иншоот эни;

2с—юкланиш полосаси эни.

Юкланишни тўқитиладиган зовур шаклига боғлиқ равишда туғри бурчакли, учбурчакли ёки трапециевид эпюра билан аппроксимлашга рухсат этилади.



4-расм. Иншоотнинг юкланишдаги оқшанини аниқлаш учун схема

КОЯТОШЛИ БЎЛМАГАН ЗАМИНЛАРГА ҚУРИЛГАН ИНШООТЛАРНИНГ ГОРИЗОНТАЛ СИЛЖИШЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ

7.14. Горизонтал юкни қабул қиловчи иншоотлар унсурларининг горизонтал силжишлари (масалан, тирак деворлар, ГЕС бинолари, анкер қуришлари), одатда пластик деформацияларнинг ривожланиш соҳаларини ҳисобга олувчи усуллар билан (керак бўлган ҳолларда пластик оқим назарияси ҳолларида) аниқланади.

III ва IV синфли иншоотлар учун горизонтал силжиш соддалаштирилган: усул билан таъсия этиладиган 14-илова кўрсатмаси бўйича (охирги горизонтал силжишлар учун) аниқлашга рухсат берилади.

7.15. Мустақамлиги ва турғунлиги унинг силжишига боғлиқ бўлган анкер қуришлари ва иншоотнинг бошқа унсурлари учун горизонтал бўйича силжишни ҳисоблашлар биринчи гуруҳнинг чегаравий ҳолатига мос келадиган грунтлардаги ва юклардаги каби ҳусусиятлари аниқланади.

7.16. Иншоотларнинг t вақт мавсумига ностабиллашган горизонтал силжишлар қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$u_t = \frac{\left(1 + \frac{\delta_{1,2}}{\delta_{1,2,0}}\right) u_0}{1 + \frac{\delta_{1,2}}{\delta_{1,2,0}}} \quad (39)$$

бунда, $\delta_{ср} - (34)$ формуладаги каби;
 $\delta_{1, ср} U_2$

u —иншоотнинг охириги
 (стабилашган) силжиши;
 тавсия этиладиган 14-
 илованинг курсатмаси буйи-
 ча аникланади.

7.17. Иншоотнинг чегаравий гори-
 зонтал силжиши u_0 0,75 u_{lim} даъ ошмас-
 лиги керак, бунда, u_{lim} -ясси силжиш
 буйича иншоот-замин тизимининг чегара-
 вий мувозанатига эришишига мос келувчи
 иншоотнинг горизонтал силжиши ва
 қуйидаги формула буйича аникланади

$$u_{lim} = u_{lim, n} \left(\frac{A}{A_n} \right)^{\frac{1-a}{2}}, \quad (40)$$

бунда, $u_{lim, n}$ n -штампнинг чегаравий сил-
 жиши;

A_n n -штамп юзи;

A —иншоот пойдевори юзи;

n — мажбурий 3 - илова
 курсатмасига мувофиқ
 аникланадиган параметри.

ГРУНТ МАТЕРИАЛЛАРИДАН КУРИЛГАН ТУҒОНЛАР ДЕФОРМА- ЦИЯЛАРИ БУЙИЧА ХИСОБЛАШ

7.18. Грунт материалларидан ку-
 рилган туғонларнинг ностабилашган
 чуқишлари ва горизонтал силжишларини
 7.10 ва 7.16-бандлардаги курсатмалари
 буйича аникланиши керак. Керак булган
 ҳолларда ҳисоблашларда чизикли бўлма-
 ган эластиклик назарияси, консолидация
 назарияси ёки қовушок-пластиклик наза-
 рияси ҳисоблашларидан фойдаланиш ке-
 рак. Шу билан бирга туғонлар ядролари-
 нинг боғловчи грунтлари сингувчанлиги-
 нинг консолидация жараёнида зичлашган-
 лигига, сувга тузунганлик ва бошқа фак-
 торларга боғлиқлигини ҳисобга олиш ке-
 рак.

7.19. Туғоннинг чуқисинин, унинг
 замини ва танаси чуқишларининг йиғин-
 диси сифатида аниклаш лозим.

Туғон танаси ва замини чуқишлари-
 ни ҳисобий вертикал бўйича қатлам

катлам жамлаш усули билан аниклашга
 рухсат этилади.

Ҳар қайси қатламдаги грунтнинг де-
 формацияси компрессион боғлиқлик
 бўйича аникланади. Вақтнинг ҳисобий
 моменти учун ғовақлик моменти эффек-
 тив кучланишга боғлиқлиқдан аниклана-
 ди.

Коятошли заминларнинг чуқишлари
 ва горизонтал силжишлари, одатда, ҳисоб-
 га олинмайди.

7.20. Ҳисоблашлар билан қуйидаги-
 лар аникланади:

Курилиш вақтидаги чуқишлар s -
 туғон нукталарининг, туғри курилиши ту-
 гаш моментида вертикал силжиши;

Фойдаланишдаги чуқишлар s_c -туғон
 нукталарининг қушимча вертикал сил-
 жишлари; бу курилиш тугаш пайтида
 туғон замини ва танаси грунтларнинг кон-
 солидацияси тугаш пайтигача давом этади;

Туғон танаси ва замин грунтлари-
 нинг йиғинди чуқиши s_z .

Туғон танаси ва замин грунтлари-
 нинг йиғинди чуқиши s_z ни тавсия этила-
 диган 15-иловадаги курсатма бўйича бир
 улчовли масалалар шарти учун қатламма-
 қатлам жамлаш усули билан аниклашга
 рухсат этилади.

Курилиш вақтидаги чуқишлар s , ку-
 рилиш тугаш пайтида курилатган кат-
 ламдаги йиғинди чуқиш s_c билан шу
 грунт қатламини тукиш пайтидаги йиғин-
 ди чуқиш s_z лари орасидаги фарқлар си-
 фатида аникланиши лозим.

Фойдаланишдаги чуқишлар s_c кон-
 солидация тугаш пайтидаги чуқишлар
 йиғиндиси s_c билан туғоннинг курилиш
 тугаш пайтидаги йиғинди чуқишлар s
 орасидаги фарқлар сифатида аникланиши
 лозим.

7.21. СНиП 2.06.05-87 нинг
 курсатмасига мувофиқ курилишни кута-
 ришни ҳисоблаш учун туғон чуққисининг
 фойдаланиладиган чуқишини аниклаш ке-
 рак. Туғонга ётқизиладиган грунтнинг
 қушимча ҳажмини аниклаш учун туғон
 конгури нукталарининг консолидациянинг
 тугаши ва, фойдаланишдаги чуқишлар
 пайтларида грунтнинг йиғиндиси қис-
 мишлари орасидаги фарқ билан аниклана-
 ди.

КОЯТОШЛИ ЗАМИНЛАРГА КУРИЛГАН БЕТОН ВА ТЕМИР-БЕТОН ИНШООТЛАРНИНГ СИЛЖИШИНИ ҲИСОБЛАШ

7.22. Коятошли заминларга қурилган иншоотларнинг силжишини ҳисоблаш, одатда, фақат I синфли иншоотлар учун амалга оширилиши керак.

7.23. Силжишни ҳисоблашда: агар

$$\frac{B_d}{H} < 5 \text{ бўлганда } (B_d - \text{иншоотнинг босим}$$

фронтни эни, H - иншоотга тушадиган босим), фазовий масалаларни қараб чиқиш

зарур; агар $\frac{B_d}{H} \geq 5$ бўлганда текислик ма-

салаларни қараб чиқилади. Шу билан бирга иншоотларнинг сурилишини ҳисоблаш учун қизикли ва қизикли бўлмаган эластиклик назарияси усулларини қўлланилиши мумкин. Ҳисоблашларда заминнинг қиситувчи қатламнинг шартли қалинлиги иншоот таълиғи эни b га тенг қилиб қабул қилинади.

Қурилишнинг техника-иқтисодий асослаш босқичларида қоятошли заминларни қизикли-деформация муҳити қурилишида қараб чиқишга рухсат этилади.

7.24. Иншоотларнинг силжишини аниқлашда грунтнинг сув омбори узанига тушадиган босимни (оқизиклар ёки тукмалар), заминдаги ҳажмий филтрацион кучлар, иншоотдан тушадиган юклар (заминга узатулувчи), сув омбори тўлдирилатганда қирғоқларда сувнинг муаллақ ҳолатдаги таъсири ҳисобга олинishi лозим. Тор даралар ёлбағирларнинг сил-

жишини ҳисоблашда ($\frac{B_d}{H} < 2,5$) сув ом-

борини лойиҳадаги белгигача сув билан тўлдирилгандан сунг сувнинг муаллақ ҳолатдаги таъсири ва филтрланиш кучларини ҳисобга олиш зарур.

8. ЗАМИНЛАРНИНГ ПУХТАЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА МУҲАНДИСЛИК ТАДБИРЛАРИ

ИНШООТЛАРНИ ЗАМИН БИЛАН ТУТАШИШНИ ТАЪМИНЛАШ

8.1. Иншоотларнинг заминларини лойиҳалашда иншоотнинг турғунлигини,

заминнинг мустаҳкамлигини (шу жумладан филтрловчи хусусиятли) таъминловчи иншоотнинг замин билан туташishi бўйича тадбирлар, юк ва таъсирларнинг биргаликдаги барча ҳисоблашларида иншоот ва унинг заминларининг рухсат этилган қучланиш-деформацияланиш ҳолатлари кўзда тутилади.

Барча ҳолларда иншоотнинг замин билан туташishi лойиҳалашда иншоотни қуриш ва ундан фойдаланиш жараёнида грунтларнинг филтрланиш характеристикаларининг ва мустаҳкамлик характеристикалари ҳамда деформацияланувчанликнинг мумкин бўлган ўзгаришларини ҳисобга олиш зарур.

8.2. Иншоотларнинг замин билан ташмаларини лойиҳалашда, одатда, грунтларнинг характеристикаси (уларни яхшилаш имконини ҳисобга олган ҳолда) иншоотнинг турғунлик шаронтини, заминнинг мустаҳкамлигини ва берилган филтрланиш режимини қониктирадиган чуқурликка унинг сиртидан бўш (ёки қурилиш жараёнида бўшашган) грунтларни олиб ташлаш ёки алмаштириш кўзда тутилади.

Иншоотнинг қирғоққа ёпишувчи нишабларнинг қиялиги ҳам нишабларнинг узининг, ҳам иншоотларнинг қурилиш ва улардан фойдаланиш даврида турғунлигини таъминлаш шаронтидан қилиб чиққан ҳолда танланиши керак.

8.3. Агар грунтни олиб ташлаш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлган ҳолларда иншоотнинг қоятошли замин билан туташishi лойиҳалашда иншоотнинг ёки унинг қирғоқ тирақларининг турғунлиги таъминланиши, заминнинг мустаҳкамлиги ва деформацияланувчанлигининг баҳарлишини таъминлаш учун, чиқариб ташланадиган ҳажминини қамайтириш учун қуйидаги тадбирларни кўзда тутиш зарур:

заминга босим иншоотларининг ва ёндошувчи қирғоқ массивларининг акс таъсирини қамайтириш;

иншоотнинг замин билан контактида юқориги бёсф томонга қиялик яратиш;

заминга пастки бёсф томондан тирақ ҳосил қилиш;

заминга ва иншоотнинг қирғоққа ёндошувчи қисмларига турқиш ва таъсирларнинг энг мақбул йўналишларини таъминловчи конструкцияларни қўллаш;

иншоот секцияларини ва киргокка ёндошувчи қисмларни анкерлаш; замин грунтларини инъекцион мустахкамлаш.

Юқорида айтилган тадбирларнинг техника-иктисодий самарадорлиги етарли бўлмаганда иншоот тағлигини қоятошли грунтларнинг анча сакланадиган зонасига чуқурлатиб ўрнатиш кўзда тутилган бўлиши лозим.

8.4. Қоятошли бўлмаган заминларга қурилган иншоотларнинг турғунлигини таъминлаш, мустахкамлиги, рухсат этилган чуқишлар ва силжишларни таъминлаш учун иншоотнинг заминга туташишларини лойиҳалашда, керак бўлган ҳолларда юқориги ва пастки тишларини қуришди, заминнинг кам сизиб ўтадиган катламларини дренажлашни, грунтларни зичлаш ва инъекцион мустахкамлашни ва бошқа тадбирларни кўзда тутиш зарур.

